

Исо Масихнинг туғилиши

1 Ўша кунларда Қайсар Август бутун Рим дунёсидаги ахоли рўйхатга олинсин, деган фармон чиқарди. 2 Шундай килиб, Сурияда Квириний хокимлик килганда илк бор рўйхатга олиш содир бўлди. 3 Ҳар ким рўйхатдан ўтиш учун ўз шаҳрига борди. 4 Шунингдек, Юсуф ҳам Жалиланинг Носира шаҳридан Яхудияга, Довудлар шаҳри Байтлаҳмга борди. Чунки у Довуд насаби ва хонадонидан эди. 5 У ўзига унаштирилган қиз, қомиладор Марям билан бирга рўйхатдан ўтмоқчи бўлди. 6 Улар ўша ерда бўлганларида эса Маряннинг ой-куни тўлди. 7 У ўзининг тўнғич ўғлини туғди. Уни йўргаклаб, охурга ётқизиб кўйди, чунки мусофирихонада уларга жой йўқ эди. 8 Ўша юртда чўпонлар бор эди. Улар тунда сурувларини пойлаб, далада тунар эдилар. 9 Тўсатдан Худованднинг фариштаси уларнинг олдида пайдо бўлди ва илоҳий нур уларнинг кўзларини қамаштириди. Бу даҳшат чўпонларни ваҳимага солди. 10 «Кўрқманглар! — деди уларга фаришта. — Мен сизларга эл-халқни чексиз қувонтиражак Хушхабарни келтирдим. 11 Бугун Довудлар шаҳрида сизлар учун Халоскор туғилди. У Раббимиз — Масихдир. 12 Мана, сизларга Унинг белгиси: йўргакланган, охурда ётган чақалоқни топасизлар». 13 Бирданига фаришта ёнида лак-лак самовий кўшинлар бўй кўрсатди. Улар Худога ҳамду сано айтишарди: 14 «Самодаги Худога хурмату иззат, Ердаги бандаларга тинчлигу марҳамат!» 15 Фаришталар улар олдидан осмонга кўтарилиган замон, чўпонлар ўзаро сўз котдилар: «Қани келинглар, Байтлаҳмга бориб, Худованд бизга билдириган бу воқеани кўрайлик!» 16 Улар югура боришиб, Марям, Юсуф ва охурда ётган чақалоқни топдилар. 17 Кўришибоқ, чакалоқ ҳақида ўзларига айтилган башоратдан сўзладилар. 18 Ҳамма эшитганлар чўпонларнинг гапига жуда ҳайрон булишди. 19 Марям эса бу сўзларнинг барини дилига туғиб олиб, чукур ўйлаб юрди. Охири чўпонлар: 20 «Биз ҳамма нарсани айни айтилганидек топдик», — деб, эшитиб кўрганлари учун Худога ҳамду сано ўқиб, қайтдилар.

